

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc. 13/30.12.2021.Т.142.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

Худайбердиев Мирзаакбар Хаққулмирзаевич

**ТИМСОЛЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ АЛГЕБРАИК НАЗАРИЯСИДА
МОДЕЛЛАРНИ КОРРЕКЦИЯЛАШНИНГ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
ПРОЦЕДУРАЛАРИ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of Doctoral (DSc) dissertation

Худайбердиев Мирзаакбар Хаққулмирзаевич

Тимсолларни аниқлашнинг алгебраик назариясида моделларни

коррекциялашнинг оптималлаштириш процедуралари 3

Худайбердиев Мирзаакбар Хаққулмирзаевич

Оптимизационные процедуры коррекции моделей в алгебраической теории

распознавания образов 25

Hudayberdiev Mirzaakbar Khaqqulmirzaevich

Optimization procedures of correcting models in the algebraic theory of pattern

recognition 47

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc. 13/30.12.2021.Т.142.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

Худайбердиев Мирзаакбар Хаққулмирзаевич

**ТИМСОЛЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ АЛГЕБРАИК НАЗАРИЯСИДА
МОДЕЛЛАРНИ КОРРЕКЦИЯЛАШНИНГ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
ПРОЦЕДУРАЛАРИ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Техника фанлари доктори (DSc) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.DSc/T187 рақам билан рўйхатга олинган.

Рақамли технологиялар ва Сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.aigi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Камиллов Мирзаян Мирзаахмедович
техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар: Игамбердиев Хусан Закирович
техника фанлари доктори, профессор, академик

Мухамедиева Дилноз Тулкуновна
техника фанлари доктори, профессор

Утеулиев Ниятбай Утеулиевич
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Рақамли технологиялар ва Сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc. 13/30.12.2021.Т.142.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «13» май соат 14⁰⁰ даги мажлисда бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Бўз-2, 17-уй. Тел.:(99871) 263-41-98, факс: (99871) 263-41-98, e-mail: info@aigi.uz).

Диссертация ҳимояси Рақамли технологиялар ва Сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Бўз-2, 17-уй. Тел.:(99871) 263-41-98).

Диссертация автореферати 2022 йил «14» апрел куни тарқатилди.
(2022 йил «29» сентябр даги 4 рақамли рёстр баённомаси.)



Н.С.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, кт.и.х.



Ф.М.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари доктори, доцент



Н.Мирзаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қоишидаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, кт.и.х.



КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сунъий интеллект масалаларини тимсолларни аниқлаш усул ва алгоритмлари ёрдамида ечишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, ахборот коммуникация технологияларининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда тимсолларни аниқлаш усуллари ва алгоритмларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш зарурияти сақланиб қолмоқда. Мазкур тимсолларни аниқлаш алгоритмларини янги ёндашувлар асосида яратиш ҳамда уларни илмий ва амалий соҳаларда кенг қўламда қўллаш, масалан, технологик жараёнларни бошқариш, тиббий ташҳислаш, шахсни биометрик идентификациялаш ва инсон фаолиятининг бошқа соҳаларида қўллаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда тимсолларни аниқлашнинг кўплаб усуллари турли ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган, жумладан, детерминистик, статистик, мантиқий ва бошқа ёндашувлар. Шунини такидлаш керакки, хорижий мамлакатлар, йирик фирма ва компаниялар томонидан жадал суратларда тимсолларни аниқлашнинг назарий ҳамда амалий жиҳатларини такомиллаштиришга ва амалиётга қўллашга эътибор қаратмоқдалар. Мисол сифатида АҚШ, Буюк Британия, Россия Федерацияси, Германия, Япония, Хитой, Хиндистон, Жанибий Корея, IBM, Google, Samsung, Siemens, Bosch, Sony, Toshiba ва бошқаларни келтириш мумкин.

Жаҳонда тимсолларни аниқлаш усуллари ва воситаларидан кенг қўламда фойдаланишга эҳтиёж ортиб бориши билан бирга ечилиши зарур бўлган турли хил муаммолар ҳам вужудга келмоқда, мисол сифатида куйидагиларни келтириш мумкин, объектлар ҳақидаги дастлабки ахборотларни оптимал тасвирлаш муаммоси (объектларни рақамли кодлашнинг мураккаблиги), объектларнинг дастлабки хусусиятларини ўлчаш мезонларининг ноаниқлиги, ишлатиладиган алгоритмларнинг чуқур эвристикага эга эканлигидир. Бундай муаммоларни ҳал қилиш доирасида тимсолларни аниқлашнинг эвристик алгоритмлари устида алгебраик амалларни бажариш орқали коррект алгоритмни ишлаб чиқиш маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш соҳасидаги долзарб масалалардан биридир.

Республикамызда ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодий ва ижтимоий соҳаларига кенг қамровли тадбиқ қилишга, жумладан ахборотларга рақамли ишлов бериш, маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш ва сунъий интеллект алгоритмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишлардаги асосий вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш” ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармонларида белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда сунъий интеллектнинг алгоритмик таъминоти таркибига кирувчи тимсолларни аниқлаш усулларида фойдаланиб қарор қабул қилишга кўмаклашувчи тизимларни яратиш ва тадбиқ қилиш муҳим

ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3256 рақамли Қарори «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ва Зоология институти фаолиятини ташкиллаштириш чоралари бўйича» фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш масалаларини тимсолларни аниқлаш алгоритмлари орқали ечишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, олий таълим муассасалари ва йирик компанияларида олиб борилмоқда. Буларга мисол сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: Европа, Америка ва Осиё мамлакатларининг Халқаро сунъий интеллект илмий-тадқиқот марказлари, Россия Сунъий интеллект институти, Москва физика-техника институти, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия фанлар академияси «Информатика ва бошқарув» Федерал тадқиқотлар маркази, Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Санкт-петербург информатика ва автоматлаштириш институти, С.Л.Соболев номидаги Математика институти (Россия Федерацияси), Institute of Computational Science of USI (Швейцария), School of Elec. Eng and Computer Science of Queen Mary University of London (Буюк Британия), University of Oxford (Буюк Британия), The Chinese University of Hong Kong (Хитой), University of

¹ Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://mmro.ru/2019/08/26/mmpr-2019-ii1/>, www.msu.ru, <https://cyberleninka.ru/article/c/computer-and-information-sciences>, <https://towardsdatascience.com/10-must-read-machine-learning-articles-march-2020-80da9c380981>, <https://www.analyticsvidhya.com/blog/2019/12/20-popular-machine-learning-articles-analytics-vidhya-2019/>, <https://docs.microsoft.com/en-us/analysis-services/data-mining/data-mining-projects?view=asallproducts-allversions>, <https://www.tf-pm.org/resources/casestudy/process-mining-at-samsung-electro-mechanics>, https://www.researchgate.net/publication/275721080_Smart_Phone_Based_Data_Mining_for_Human_Activity_Recognition, <https://ocw.mit.edu/courses/media-arts-and-sciences/mas-622j-pattern-recognition-and-analysis-fall-2006> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилди.

Toronto, McGill University (Канада), Information Technology from the University of Rennes, Institut Néel, CNRS, Bordeaux Segalen University (Франция), University of Oulu (Финляндия), Jadavpur University (Хиндистон), Universidad Politecnica de Madrid (Испания), University of Arizona, Massachusetts Institute of Technology, IBM, Google, Microsoft компаниялари (АҚШ), Darmstadt University of Applied Sciences, Max Planck Institute for Dynamics and Self-Organization, Center for Bioinformatics (Германия), Nippon Electric Corporation (NEC) ва Hitachi компаниялари, Ritsumeikan asia pacific university, Nara Institute of Science and Technology (NAIST) is a Japanese national university in Nara (Япония), Systems Modeling Laboratory, Bioinformatics Research Center (Жанубий Корея) ва каби давлатларда кенг камровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу тимсолларни аниқлаш усул, алгоритмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича жаҳонда ўтказилган тадқиқотлар натижасида бир қатор самарали натижалар олинган: тимсолларни аниқлашнинг мураккаб масалаларини сифатли ечишда бир нечта алгоритмлардан ташкил топган коррект алгоритмик мажмуани ҳосил қилувчи усул ишлаб чиқилган (М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия Фанлар академияси Ҳисоблаш маркази, Н.Э.Бауман номидаги Москва Давлат техника университети, Яндекс), маълумотларга дастлабки ишлов бериш усул ва алгоритмлари яратилган (Massachusetts Institute of Technology, IBM, Google, Microsoft компаниялари, АҚШ), белгилар фазосининг ўлчамини қисқартириш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган (Россия Фанлар академияси Ҳисоблаш маркази, Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Санкт-петербург информатика ва автоматлаштириш институти, С.Л.Соболев номидаги Математика институти, Nippon Electric Corporation (NEC) ва Hitachi компаниялари, Ritsumeikan asia pacific university, Nara Institute of Science and Technology (NAIST) is a Japanese national university in Nara, Systems Modeling Laboratory, Bioinformatics Research Center).

Жаҳонда маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш ва тимсолларни аниқлашнинг мавжуд усуллари такомиллаштириш ҳамда янгиларини ишлаб чиқиш бўйича қатор истиқболли йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда: йирик ҳажмдаги ахборотлар таҳлили; тимсолларни аниқлаш ва башоратлаш масалаларини ечиш учун коррект алгоритмик композицияни ишлаб чиқиш, объектларни тавсифловчи белгилар фазосини ўлчамини қисқартириш усул ва алгоритмларини яратиш; юмшоқ ҳисоблаш технологиясидан фойдаланилган ҳолда шахсни таниб олувчи биометрик усул ва алгоритмлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва х.к.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий адабиётларни атрофлича таҳлили шуни кўрсатадики, тимсолларни аниқлаш муаммоси замонавий илм-фан мутахассисларининг диққат марказида турибди. Бир қатор илмий-тадқиқот ишларини кузатиш шуни кўрсатадики, фан ва техниканинг турли масалаларини ечиш учун тимсолларни аниқлаш усуллари ҳамда алгоритмларини тадбиқий соҳаларини узлуксиз кенгайтиб бориши

ҳисобланади. Тимсолларни аниқлашнинг усуллари, алгоритмларини яратишга ва ривожлантиришга ўзни катта ҳиссасини қўшган машҳур олимлар А.Г.Аркадьев, М.А.Айзерман, Р.Дуда., П. Харт, В.В.Александров, Е.М.Браверман, П.Д.Мандель, Ю.И.Журавлев, В.Н.Вапник, В.И.Василев, П.М.Чеголин, Л.А.Растринг, Н.Г.Загоруйко, А.Фор, А.Фомин, М.И.Шлезингер, А.Г.Ивахненко, А.Л.Горелик, В.Л.Матросов, К.В.Рудаков, К.В.Воронцов ва бошқалар. Ю.И.Журавлев ва унинг илмий мактаби тимсолларни аниқлашнинг янги назариясини яратди ва янги йўналишини ривожланишини таъминлаб берди. Н.Г.Загоруйко ўзининг тадқиқотларида таксономия масалаларини ечишда объектлар ўртасида вужудга келувчи эмпирик қонуниятларни аниқлаш алгоритмларини ишлаб чиққан.

Ўзбекистонда тимсолларни аниқлаш бўйича илмий мактабни шакллантиришга ўзини муносиб ҳиссасини қўшган олимлар М.М.Камилов, Т.Ф.Бекмурадов, Ш.Х. Фозилов, Э.М.Алиев, С.С.Садиқов, Ф.Т.Адилова, З.Т.Адилова, А.Х.Нишанов, Д.Т.Мухамедиева, Н.А.Игнатъев, Ш.Э.Тўлаганов, Н. Мирзаев, О.Ж. Бобомуродов, Н.С. Маматов ва бошқалар. Мазкур йўналишни ривожлантиришда Ўзбекистонлик олимлар ҳам бир қатор муҳим натижалар олишга эришдилар. Жумладан, маълумотлардан мантиқий қонуниятларни излаш, объектларни таснифлашда иштирок қилувчи муҳим белгиларни аниқловчи баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари, баҳоларни ҳисоблаш алгоритмларини конструктив босқичларини шакллантиришнинг оптималлаштириш процедураларини куриш, нейро-ноқаътий усуллар бўйича самарали алгоритмик тузилмани ишлаб чиқиш ҳамда шу билан бирга маълумотларга дастлабки ишлов бериш алгоритмлари ва х.к.

Айни вақтда олимларимиз тимсолларни аниқлаш соҳасидаги илмий изланишларда асосий эътиборни баҳоларни ҳисоблаш алгоритмларининг алгебраик назариясидаги энг муҳим истиқболли муаммоларини ҳал қилишга қаратишган, яъни объектларни таниб олишда самарали умумлашган алгоритмик таъминотни шакллантириш. Бунда берилган танланмада асосий тимсолларни аниқлаш шартини таъминлаган ҳолда таниб олиш жараёнида иштирок қилувчи бир қатор эвристик алгоритмлардан ташкил топган алгоритмик композицияни (туташувни) ишлаб чиқиш: умумлашган алгоритмнинг сифат даражаси фойдаланилган эвристик алгоритмларнинг ҳар бирининг сифат даражасидан юқори бўлиши керак.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф4-ФА-Ф004 «Қисмий прецедентликка асосланган инфор­мацион-таниб олиш тизимларининг назарияси ва уларни маълумотларнинг интеллектуал таҳлили учун тадбиқ қилиш усуллари» (2012-2016), А-5-004 «Ўсимликларни идентификациялаш ахборот-таниб олувчи тизимининг дастурий-алгоритмик таъминотини ишлаб чиқиш» (2015-2017), БВ-Атех-2018-(22+29) «Турли шкалада фойдаланган биообъектларни идентификациялаш масаласида алгебраик коррекция билан қисмий

прецедентликнинг адаптив таниб олиш моделлари ва алгоритмлари» (2018-2020) мавзулардаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тимсолларни аниқлаш масаласини ечишда алгебраик ёндашув назарияси доирасида эвристик моделларни коррекциялаш жараёнини оптималлаштириш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

тимсолларни аниқлашни эвристик алгоритмларини прецедентга асосланган моделларининг ўзига хос жиҳатларини тизимли таҳлил қилиш;

таниб олиш оператори ва ахборот моделларини ўзаро бир-бирини компенсация қилувчи қавариқ қобиғини вужудга келтириш масаласини тадқиқ қилиш;

белгиларни таянч қисм тўпламларининг таксономияга ўзаро боғлиқлик муносабатини аниқлаш ва даражасини баҳоловчи мезонни конструкциясини ишлаб чиқиш;

максимал мос келувчи қисмтўпламларни алгебраик амаллар ёрдамида аниқловчи самарали процедураларни ишлаб чиқиш;

тимсолларни аниқлаш масаласини ечишда таниб олиш операторлари ва сифат функционалларининг чизиқли туташувини идентификация қилувчи усулни ишлаб чиқиш;

Амалий масалаларни ечишда таклиф қилинаётган усул ва алгоритмларнинг иш қобилиятини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти алгебраик ёндашув доирасида баҳоларни ҳисоблаш алгоритми моделларининг корректлигини таъминловчи оптимизацион процедураларни тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг предмети ахборотларни интеллектуал таҳлил қилиш усуллари, тимсолларни аниқлашнинг моделлари ва алгоритмлари ҳамда алгебраик ёндашув назарияси асосида оптимизацион процедураларни куриш. Ушбу тадқиқот предмети аниқ бир корректловчи процедураларнинг оиласи доирасида курилади, хусусан, чизиқли, полиномиал, таниб олиш операторини монотон ва идемпотент туташувлар.

Тадқиқотнинг усуллари алгебраик ёндашув доирасида тимсолларни аниқлаш масаласини ечишда мантикий функциялар назарияси, чизиқли тенгсизликлар системаси назарияси, комбинаторик таҳлил, графлар назарияси, чизиқли алгебра, математик дастурлаш ва метрик фазолар назарияларининг тамойил ва усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари модели базасида эквивалентлик муносабатлари, ўзаро бир қийматлик мослик асосида таниб олиш операторлари ва баҳолар матрицаларининг изоморфлик муносабатлари мавжудлиги исботланган;

баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари модели базасидаги таниб олиш операторларида учрайдиган толерантликни (таниб олишдаги хатоликларни) тузатиш воситасини қавариқ қобиғни топологик конус шаклида ҳосил

қилувчи процедуралар ишлаб чиқиш билан алгебраик ёндашувнинг стандарт модели такомиллаштирилган;

баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари тамойили асосида таксономия масаласини ечишда муҳим белгиларни таянч қисм тўпламини идентификация қилувчи идемпотент туташувларни чекли мажмуасини аниқловчи усул ишлаб чиқилган;

таксонларга белгиларнинг муҳим қисмтўпламларини ўзаро изоморф боғлиқлик даражасини баҳоловчи мезон ишлаб чиқилган. Бу илмий янгилик биообъектларни шажаравий таксономиясини амалга оширишга имкон берди;

таниб олиш операторларини корректликка текширувчи оптимизацион процедуралар монотон ва идемпотент туташувлар асосида ишлаб чиқилган;

баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари тамойиллари асосида таксономия масаласини ечишда танланмадан эталонларни саралаб олишни таянч прецедентлар усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

алгебраик ёндашувга асосланган танланма билан таксонни ўзаро корректлигини идемпотент туташувларни таъминловчи оптимизацион процедуралар ишлаб чиқилди;

баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари оиласининг ҳар бир модели натижаларини таҳлил қилувчи мезон таклиф қилинган ва уларни орасидаги толерантлик мавжуд бўлган таниб олиш операторларини идентификация қилувчи ва корректловчи механизм ишлаб чиқилган;

таниб олиш операторларини локал экстремумлардаги идемпотент туташувини аниқловчи оптимизацион процедуралар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги баҳоларни ҳисоблаш алгоритми моделларида корректловчи оптимизацион процедураларни идемпотент туташувлар орқали амалга оширувчи усул ишлаб чиқилган. Таклиф қилинган усул амалий масалаларда синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти баҳоларни ҳисоблаш алгоритмининг оиласига мансуб эвристик алгоритмлари базасида коррект алгоритмлар мажмуасини қурувчи оптимизацион процедураларни ишлаб чиқишдан иборат. Ишлаб чиқилган янги ёндашув асосида таниб олиш операторларини идемпотент туташувларини идентификация қилиш орқали тимсолларни аниқлаш назариясини ривожлантирилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ишлаб чиқилган алгоритм ва дастурий таъминот тимсолларни аниқлашнинг қийин шаклландувчи масалаларини ечиш имкониятини таъминлаш ҳисобига «Баҳоларни ҳисоблаш алгоритми» базаси тадбиқ қилиш соҳаларини кенгайтириш билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таниб олиш операторларини идемпотент туташувларини идентификация қилувчи оптимизацион процедураларни ишлаб чиқишда олинган илмий натижалар асосида:

турли шкаладаги морфологик белгиларга эга бўлган тўғри қанотли хашаротларни идентификация қилувчи Orthoptera Recognition дастурий мажмуаси алгебраик тузатиш билан ишловчи қисмий прецедент алгоритми асосида яратилган ва Зоология институти фаолиятига жорий қилинган (Фанлар академиясининг 2021 йил 9 февралдаги 4/1255-418-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида Ўзбекистондаги тўғриқанотли хашаротлар оиласи биообъектларини идентификация қилиш орқали соҳа мутахасислари иш унумдорлигини ўртача 25% га оширган, бошқа сарф-харажатлар эса ўртача 15 % камайтириш имкониятини берган;

йирик ҳажмдаги ахборотларда таксономияни тезкор амалга ошириш учун назорат танланмадан рақобат бардош таянч прецедентларни саралаб олувчи усул асосида ишлаб чиқилган Orthoptera Recognition дастурий мажмуаси Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими фаолиятига жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 7 июндаги 02/025-2405-сонли маълумотномаси). Бу дастурий мажмуа ёрдамида қишлоқ хўжалиги экинларини химоя қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ва қарор қабул қилишга кўмаклашувчи воситалардан бири бўлиб хизмат қилади. Илмий тадқиқот натижалари қишлоқ хўжалиги экинларига зарар келтирувчи зараркунанда чигирткаларни турларини тарқалишини мониторинг қилиш самарадорлиги ўртача 15 % оширишга имкон берган;

Ўзбекистон флорасидаги «Tulipa L.» туркуми намуналарини таснифлаш учун назорат танланмаларни турли типли аниқлагич калитлар ёрдамида локал мосликни баҳоловчи мезонига асосланган алгоритмлари орқали ишлаб чиқилган Tulipa Recognition дастурий мажмуа Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи фаолиятига жорий қилинган (Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасининг 2021 йил 20 апрелдаги 05/21-1782-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари ўсимликларни биохилма-хиллигини ўрганишда, сақлаб қолишда, «Tulipa L.» туркуми намуналарини маълумотлар базасини доимий равишда тўлдириб боришда ва мониторингини олиб бориш нуқтаи-назаридан иш самарадорлиги ўртача 20 фоизга оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий назарий ва амаллий натижалари 10 халқаро ва 19 республика илмий-техник конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 45 та илмий иш чоп қилинган бўлиб, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, 12 таси республика журналларида ва 4 таси хорижий журналларда нашр қилинган. 6 та ЭҲМ учун яратилган дастурий мажмуаларга қайд қилиш гувоҳномалари Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк Агентлигидан олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 161 саҳифадан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқ диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ҳамда амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларанинг ишончлиги асосланган, назарий ва амалий ахамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тимсолларни аниқлаш масаласини ечишда алгебраик ёндашувнинг тизимли таҳлили**» деб номланган биринчи бобида тимсолларни аниқлаш масаласини ривожланиш босқичлари ва муаммоли вазиятлари таҳлил қилинган. 1.1-параграфда тимсолларни аниқлаш назариясининг ривожланиш тарихини таҳлили ва мавжуд тадқиқот ёндашувларини ўрта ривожланиш босқичлари келтирилган: эвристик алгоритмлар, параметрик алгоритмлар ва $\{A\}$ эвристик алгоритмлар тўплами устида алгебраик назария доирасида тўғрилашлар ўтказиб коррект алгоритмни топишни таклиф қилинади. Алгебраик ёндашув асосида шакллантирилган алгоритмлар синфлаштиришда назорат объектларида хатоликка йўл қўймайди. Бунда таниб олиш операторлари устида турли алгебраик операциялар ўтказилади: қўшиш ва ўзгармас сонга кўпайтириш. Фиксирланган ҳалқилувчи қоида асосида тимсолларни аниқлаш алгоритмлари операторлари индуктив равишда ўз ишини бажаради. Ушбу ғоя усул ва алгоритмларни бирлаштиришни тимсолларни аниқлашнинг алгебраик назария асосида амалга оширишни олға суради. Бунда тимсолларни аниқлаш алгоритмларини турли хил ифодалашдан ягона стандартда ифодалашга ўтишни таклиф қилинади. Шу билан бирга ҳар бир алгоритмни моделлари таниб олиш оператори ва ҳал қилувчи қоидаларнинг $A = C \cdot B$ суперпозициялари кўринишида ифодаланган. Таниб олиш оператори назорат объектларининг таксонга тушувчи баҳолари матрицасини куриб беради. Ҳал қилувчи қоида баҳолар матрицаси асосида назорат объектларини таксонларга тақсимлайди. «Баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари» (БҲА) жуда кўп эвристик усулларни ўзида акс этирган бўлиб, тимсолларни аниқлаш алгоритмларини ифодаловчи ўзига хос универсал алгоритмик тилга ҳам эгадир. Ю.И.Журавлёвнинг ишларида БҲА ва SVM модели билан биргаликда қурилган полином эвристик алгоритмлар орқали коррект алгоритмни куришни назарий жиҳатдан исботлаб берган. Бундан кўринадики, алгебраик ёндашувнинг асосий ютуғи тимсолларни аниқлаш назариясида эвристик алгоритмлар базасида коррект алгоритмларни куриш мумкинлигини исботлаб берди. Ўз навбатида эвристик алгоритмларда учрайдиган камчиликларни бартараф қилиш орқали коррект алгоритмларни қурилади. Мазкур ғоя жуда кўплаб конструкцияларда унумли фойдаланилган: комитетлар, бустинг, экспертларни умумлашган фикрлари, ансамбли бўйича ўртачалаштириш, модул бўйича ўқитиш, компетентлик

соҳаси, нозизиқли монотон корректловчи операциялар. Алгебраик ёндашувнинг яна бир афзалигини исботи шундан иборатки, классик математика усуллари орқали маълумотларни интеллектуал таҳлил қилишни яхши шаклланманган соҳасида алгебраик ёндашув асосида ечилишидир.

1.2-параграфда ишнинг назарий қисмини баён этишда фойдаланиладиган асосий тушунчалар ва белгилашлар, тимсолларни аниқлаш назариясининг ривожланиш босқичлари баёни ҳамда Ю.И.Журавлёвнинг илмий мактаби томонидан киритилган терминологияга мувофиқ маълумотлар келтирилган.

1.3-параграфда прецедент тамойили асосида ишловчи алгоритмлар орқали тимсолларни аниқлаш масаласини ечишни алгебрик конструкциянинг стандарт ифодаси келтирилган.

Диссертациянинг «Баҳоларни ҳисоблаш моделига мансуб алгоритмлар синтези» иккинчи бобида айнан БҲА га оид эвристик алгоритмларини аналитик шаклланиши, эквивалентлик хоссалари ва изоморфлик муносабатлари синтез қилинган.

2.1-параграфда БҲА оиласига мансуб параметрик алгоритмларга қўйилган тимсолларни аниқлаш масаласини ечишга нисбатан мақбул моделнинг $A_1(k), A_2(k, \delta_1), \dots, A_\pi(k, \varepsilon_i, \varepsilon, \gamma_i, p_i, \delta_1, \delta_2)$ танлаш ва параметрларини созлаш масаласи баён қилинган.

1-лемма. \mathfrak{M}^u унверсал тўпламда $\{A_i\}_{i=1}^\pi$ алгоритмлар $A_1 \subseteq \dots \subseteq A_\pi$ кетма-кет жойлашган бўлсин, у ҳолда барча $\{A_i\}_{i=1}^\pi$ алгоритмлар таркибида ётувчи ягона k параметр мавжуд,

$$\forall k [k \in A_1 \rightarrow k \in A_2], A_1 \cap A_2 \subseteq A_2.$$

1-теорема. Агар $\{A_i\}_{i=1}^\pi$ алгоритмлар тўпламига қўйилган тимсолларни аниқлаш масалани A_1 алгоритмлар модели ечиса, у ҳолда $\{\delta_1, \delta_2, \varepsilon_i, \varepsilon, \gamma_i\} = \emptyset$, бўлиши етарли, акс ҳолда $\{A_i\}_{i=1}^\pi$ доирасида A_1 ўз қувватини орттириши зарур.

2.2-параграфда бош тўпламдаги объектларни ўзаро эквивалентлик муносабатига нисбатан синф ёки таксонларга ажратиш масаласи тадқиқ қилинган.

2-теорема. Агар \mathfrak{M}^u тўпламда $\tilde{\rho}$ эквивалентлик муносабати берилган бўлса, у ҳолда \mathfrak{M}^u тўпламда ўзаро кесишмайдиган K_1, K_2, \dots, K_ℓ эквивалент синфларнинг қисмтўпламлар мажмуаси вужудга келади.

2.3-параграфда $\{B_\pi\}$ таниб олиш оператори ва $\{\Gamma_{ij}\}_{q \times \ell}$ матрицасининг ўзаро изоморфлиги исботланган.

3-теорема. Таниб олиш операторлар $\mathfrak{M}\{B_A\}$ фазоси ва мос баҳолар $\{\Gamma_{ij}\}_{q \times \ell}$ матрицалари фазоси ўзаро изоморф.

Диссертациянинг «Тимсолларни аниқлашнинг эвристик алгоритмлари устида алгебраик конструкцияни шакллантириш» деб номланган учинчи бобда алгебраик конструкциясининг стандарт шаклининг оптимал варианты келтирилган. 3.1-параграфларда «Баҳоларни ҳисоблаш алгоритми» модели устида корректловчи процедуларни куришни янги

ёндашуви ишлаб чиқилган. Тимсолларни аниқлаш масаласида алгоритмларни корректлигини таҳлил қилишни алгебраик ёндашуви Журавлев Ю.И. ишлаб чиққан схемага асосланган ва тимсолларни аниқлаш масаласини қуйидаги беш параметрли модел орқали ифодалаган:

$$\langle \mathfrak{S}_i, \mathfrak{S}_f, \mathfrak{M}^u, S_{q=1}^m, \{\Gamma_q\}_{q=1}^\ell \rangle, \quad (1)$$

бу ерда \mathfrak{S}_i бошланғич ахборотлар тўплами, \mathfrak{S}_f финал ахборотлар тўплами, $\{S_q\}_{q=1}^m$ объектлар тўплами, $\{\Gamma_q\}_{q=1}^\ell$ объектларни баҳолари тўплами, \mathfrak{M}^u аввалдан берилган $\mathfrak{S}_i \rightarrow \mathfrak{S}_f$ акслантиришлар тўпамидир. \mathfrak{S}_i ва \mathfrak{S}_f тўпламига қўшимча \mathfrak{S}_e баҳолар матричасини ҳам киритилган.

$\{S_q, \Gamma_q\}_{q=1}^\ell$ жуфтликлар кетма-кетлигига ўқув танланма деб юритилади.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб, ушбу ишда таниб олиш операторлари устида корректловчи амалларни бажариш ва мақбул ахборот моделни танлашни навбат билан ўзаро бир-бирини компенсация қилиб боровчи ёндашув ривожлантириш орқали $\Phi(A) \rightarrow \min$ таъминловчи масала ечилади.

Шунингдек, тимсолларни аниқлаш масала коррект ҳол учун $\mathfrak{S}_f = \{0,1\}$ кўриб чиқилади.

Бу масалани ечиш учун қуйидаги процедуралар амалга оширилади:

- Таниб олиш операторларни созлаш;
- Сифат функционални минимумга эриштирувчи корректловчи процедураларни созлаш.

Ушбу процедурани λ параметр қийматларини комбинациялашган стратегиясини ҳосил қилиш орқали амалга оширилади. Бунда икки вариантни ўзаро келишув асосида соланади ($\lambda \in \{0,1\}$):

$$\Phi_\lambda(B_\pi) = \lambda\alpha_1 + (1 - \lambda)\alpha_2,$$

- Ўқув танланмадаги камчиликларни бартараф қилиш орқали созлаш α_1 ;
- Таниб олиш операторлардаги толерантликни минималлаштириш ёрдамида созлаш α_2 .

3.2-параграфда жараёндаги коррекция операциялари таниб олиш оператори $B \in \mathfrak{M}^0$ ва функционаллар устида амалга оширилади. Юқорида келтирилганидек, $B(\pi_1, \dots, \pi_\zeta)$ таниб оператори ζ та параметрга эга. Айтайлик, $\{1, \dots, j\}$ индекслар тўпламини Φ орқали белгилаймиз ва j кетма-кетликдан $\{a_\varrho\}_{\varrho=1}^j$ векторлар мажмуасидан ташкил топган ҳамда қуйидагича ифодаланган:

$$\begin{cases} [B(S_j, S)]_{\pi=1, \zeta} = a_j, & j \in N, \\ a_j > a_k, B(a_j) \geq B(a_k), \\ B(B(a_j)) = B(a_j). \end{cases} \quad (2)$$

Агар $a_j > a_k, B_\pi(a_j) \leq B_\pi(a_k)$ бўлса, у ҳолда таниб олиш оператори $\tau(B_\pi)$ толерант дейилади ва $\tau(B)$ орқали белгилансин.

Тимсолларни аниқлаш сифатини баҳоловчи φ мезонни экстремумга эриштирувчи ҳамда таниб олиш операторларидаги $\tau(B)$ толерантликни минимумга эришганини назорат қилувчи функционалларни қуйидагича,

$$\varphi = \sum_{\pi \in \zeta} \sum_{q=1}^{\ell} \sum_{s \in K_q} B_{\pi}(S, K_q) \rightarrow \max, \quad (3)$$

$$B_{\pi}^* = \arg \min_{B_{\pi} \in \mathbb{M}^0} F(\tau(B_{\pi})). \quad (4)$$

Юқоридагилардан келиб чиқиб $F(B_1, \dots, B_{\pi}, \dots, B_{\zeta})$ таниб олиш операторларининг корректлик шarti қуйидагича қабул қилсин,

$$\begin{cases} F(a_j) = \beta_j, \forall j \in \Phi, \\ \tau(B_{\pi}) = \emptyset, \\ \varphi \geq \delta, \end{cases} \quad (5)$$

бу ерда $\delta = \max_{\pi=1, \zeta}(\varphi(B_{\pi}))$ олиш мумкин ёки экспертлар томонидан берилиши ҳам мумкин.

Ўз навбатида таниб олиш оператори жараёнга нисбатан ўз параметрларини коррекциялашни алегбраик ёндашув орқали амалга оширилади. Бунда БХА оиласига оид таниб олиш операторлари орасида қисман тартибланган операторлар тўплами $\langle B_{\pi}, \leq \rangle$ аниқланади, таниб олиш операторлари хосил қилган баҳоларни матрицасига нисбатан тартиб киритилиб ва қуйида келтирилган хоссалар кўриб чиқилади,

$$\begin{aligned} a^0 \omega &\leq B_{\pi}(\omega), \quad \omega \in \Omega, \\ b^0 \omega_1 \leq \omega_2 &\implies B_{\pi}(\omega_1) \leq B_{\pi}(\omega_2), \\ v^0 B_{\pi}(B_{\pi}(\omega)) &= B_{\pi}(\omega). \end{aligned}$$

Банда B_{π} таниб олиш операторнинг аниқлик даражаси ўсиб боровчи барча ўзини ўзига акслантиришлар тўпланини $\mathfrak{F}(B_{\pi})$ орқали белгиланади.

1-таъриф. $\mathfrak{F}(B_{\pi})$ тўпландан олинган B_{π} оператор келтирилган экстенсивлик ва монотонлик хоссаларини ва $\tau(B_{\pi}) \rightarrow \min$ шартини қаноатлантирса, B_{π} таниб олиш оператори идемпотент туташувни амалга оширилган дейилади.

2-лема. Агар ўқув танланмада $\{S_q, \Gamma_q\}_{q=1}^{\ell}$ объектлар монотон кетма-кетликка эга бўлиб, $\tau(B_{\pi})$ толерантлик минимумлик шартини қаноатлантирса ва якуний натижа ўзгармас қийматга эришса, у ҳолда F функционал идемпотент акслантиришдир.

4-теорема. Агар таниб олиш операторлари учун ҳам ва ахборот моделлари учун ҳам идемпотент туташувида корректлик шarti бажарилса, у ҳолда чизиқли туташув амалга ошган бўлади,

$$L(A) = C \left(\varphi(B_{\zeta}), \varphi(\mathfrak{F}_i), \|\Gamma_{ij}\|_{m \times q} \right) \rightarrow \text{extr}. \quad (6)$$

3.3-параграфда $\Omega = \{\tilde{\omega}_i\}_{i=1}^{\xi}$ таянч қисм тўпламларни чизиқли фазода элементлари орасида тартиб мусбат конус шаклида ажратилиши қаралган. Бунда $F(B_{\pi}(\Omega)) \in \mathfrak{F}$ даги барча функционал туташувлар қавариқ тўпламни четки нуқталарида аниқланади.

Асосий масалаларидан бири (K, Ω) жуфтлик орасидаги мақбул ўзаро боғлиқликни аниқлаш орқали таксономияни тўғри амалга оширишдан иборат. Бунинг (K, Ω) жуфтлик орасидаги ўзаро боғлиқликни баҳовловчи мезонини натижаларини монотон коррекциялаш орқали $F(B_\pi(\Omega)) \in \mathfrak{F}$ тимсолларни аниқлаш сифатини яхшиловчи функционал туташувни тадқиқ қилинади.

БҲА тамойилидан келиб чиқиб, Ω таянч қисм тўпламлар $T_{nm\ell}$ жадвалдаги барча тупик тестлар мажмуаси бўлсин $(\cup_{i \in \xi} \tilde{\omega}_i \subseteq \mathfrak{Z} \subseteq \Omega)$.

5-теорема. $F(B_\pi(\Omega, \leq_K))$ даги ҳар қандай туташувлар тупик тестлардадир.

Ушбу параграфда кўриб чиқилган ёндашувдан фойдаланиб, φ сифат мезонинг қийматига кўра мақбул таксономия танланади. Бу жараён сифат мезонининг қиймати бўйича энг яхши бўлган таксономия ўқув танланма сифатида қабул қилинади, куйида келтирилган ифодадан кўриб турганидек, K ва K' тансономиядан K' эталон сифатида танланади,

$$\varphi(K, \mathfrak{Z}) < \varphi(K', \mathfrak{Z}'), \Gamma < \Gamma', (\Gamma \in K, \Gamma' \in K'). \quad (7)$$

Ҳар бир $K' \in \xi(K)$ элементи учун мос бўлган \mathfrak{Z}' тестлар тизимини аниқланиб, уларнинг барчасини $\xi_t(K)$ орқали белгилансин. $\xi_t(K)$ ларни ичидан шундай (K, \mathfrak{Z}') жуфтликни аниқланадики, (K, \mathfrak{Z}') жуфтликни локал мослик деб номлансин,

$$\varphi(K, \mathfrak{Z}') = \max_{\mathfrak{Z}' \in \xi_t(K)} \varphi(K, \mathfrak{Z}'). \quad (8)$$

Диссертациянинг «**Таксономия масаласини ечишда таянч прецедентлар алгоритми**» деб номланган тўртинчи бобда таксономия масалаларини ечишга хизмат қиладиган оптимизацион процедуралар ишлаб чиқилган. 4.1-параграфда таксономия масаласида корректловчи амалларни бажарувчи процедураларни прецедентлар мажмуасини оптималлаштиш орқали амалга оширувчи алгоритмни ишлаб чиқишга бағишланган. Бунда вужудга келаётган таксономия сифати мезони $\varphi(K)$ юқорида келтирилган каби ўхшаш курилади. Бу юқорида тавсифланган алгоритмларда ўрин тутганидек, қидирилаётган мақбул таксономия K^t ни идентификация қилиш масалси белгиларни \mathfrak{Z}^t таянч қисм тизимини монотон кетма-кетлиги шакллантириш ёрдамида ҳал қилинади. Куйидаги шарт асосида,

$$\Omega = \{\mathfrak{Z}^i\}_{i=1}^{\zeta} \quad (9)$$

$$K = \{K\}_{\sigma=1}^t, t = \max, \quad (10)$$

$$\tau(B(K^t, \mathfrak{Z}^t)) < \delta, \quad (11)$$

$$(K^1, \mathfrak{Z}^1) \preceq \dots \preceq (K^t, \mathfrak{Z}^t). \quad (12)$$

Берилган сифат мезони билан қидирилаётган мос $(K^\zeta, \mathfrak{Z}^\zeta)$ жуфтликларни идентификацияси натижаларини баҳолаш орқали процедуралар текширади. Таксон таркибига кирувчи объектлар орасидан муҳим объект сифатида юқори баҳога эга S_\cup^q олинади, буни мос таксон маркази деб аталади:

$$\Gamma(S_\cup^q) = \arg \max_{S \in K_q} \{\Gamma_q(S)\}. \quad (13)$$

Барча ℓ таксонлар учун K_ℓ дан уларнинг марказлари қурилган бўлсин, $S_\square = \{S_\square^1, \dots, S_\square^\ell\}$. Мазкур қайта қуриш K^t таксономия $S_\square^t = \{S_\square^{1t}, \dots, S_\square^{\ell t}\}$ марказлари тизимини аниқлашдан иборат. K^t таксономия учун $\{S_\square^t\}_{t=1}^\ell$ эталон объектларни қисм тўпламларини янги мажмуаси аниқланади: $\mathfrak{X}^t = \{\mathfrak{X}_{qp}^t; q, p = \overline{1, \ell}; q \neq p\}$,

$$\begin{cases} \tau(B_\pi(S, S_\square)) \rightarrow \arg \min_{\omega \in \mathfrak{X}_{qp}} \Gamma_q(S), \\ \text{барча } (i, j) \text{ учун } S_j \leq S_k \text{ ўринли бўлса } f_j \leq f_k. \end{cases} \quad (14)$$

4.2-параграфда таксономия масаласини ечишда таянч прецедентлар таркибини шакллантирувчи алгоритмлар мажмуасини конструктив тузилмасини аниқлаш масаласи баён қилинган. Бу алгоритмларни шакллантиришни математик дастурлаш воситалари асосида, яъни қавариқ қобиқни ҳосил қилиш ёрдамида амалга оширилган.

4.3-параграфда таксономия масаласини ечишда локал қавариқликни баҳоловчи алгоритм орқали таксономияни амалга ошириш тадқиқ қилинган. Бунда юқори қавариқлик баҳоси билан таксонларни S_\square^t марказлардан бирига минимал масофага тенг бўлган Λ катталиқ аниқланади. Ушбу локал қавариқлик асосида объектлар мажмуасини турли қувватга эга таксонларга тақсимлайди. \mathfrak{M}^u унверсал тўпламни $K(S_\square^t, \Gamma)$ танланмалар асосида таксонларга ажратиш ва эквивалент объектларни таксонлага жойлашишини топологик майдон сифатида қаралади. Таксономия масаласини ечишда ўлчанадиган графдан фойдаланилган. Бунда граф учлари таксономиядаги объектларни ва унинг қирралари объектларни ўзаро масофа жиҳатидан яқинлик баҳосини ифодалайди. Топологик майдондаги объектларни ўлчанадиган ва вазнга эга графлар бўлиб, $G_T = (K, \Gamma)$ кўринишида ифодалансин, граф учлари объектлар тўплами $\{S_i\}, i = \overline{1, m}$ ва қирралар тўплами $\Gamma = \{\rho_{ij}\}, i, j = \overline{1, n}$, яъни қирра ρ_{ij} вазнга эга бўлиб, S_i ва S_j граф учларини орасидаги масофани аниқлайди. G_T графнинг ℓ та учлари қисм тўпламларга саралаш таниб олишнинг сифат мезонни қаноатлантирганда компакт $\{K'_\ell, \mathfrak{X}'\}_w$ таксономия вужудга келган бўлади ва буни тимсолларни аниқлашни Z масаласи деб юритилади. K_ℓ таксондаги S_i ва S_j объектлар орасидаги ρ_{ij} масофалар йиғиндисини Λ_ℓ катталиқ орқали белгиланади, яъни $\Lambda_\ell = \sum_{S_i, S_j \in K_\ell} \rho_{ij}$.

Бунда топологик соҳага K_ℓ тўпламни маказий объектларини жойлашиши ва уларни ўзаро муносабатларини ўрнатиш ҳамда таҳлил қилишга имкон беради. Бу ҳол K_ℓ компакт тўпламдаги объектларни қисмтўпланидан марказгача бўлган масофани умумий йиғиндисини сифатида фойдаланилади. K_ℓ таксон S_\square^ℓ маркази ва белгиларни (\mathfrak{X}_{qp}^t) таянч қисм тўплами билан берилган муҳим объект сифатида қаралади. У ҳолда K_ℓ тўпламни S_\square^ℓ марказга нисбатан компактлик баҳоси Γ_ℓ орқали ифодаланади, $\Gamma_\ell = \sum_{S_i \in K_\ell} \rho_{i\ell}$, бу ерда $\rho_{i\ell}$ -назорат S_i объектдан S_\square^ℓ марказий объектгача бўлган масофади. $\{K_\ell\}_w$ тақсимот учун киритиладиган Λ_w ва Λ_w^* баҳолар

$\Gamma_w = \sum_{\ell} \Gamma_{\ell}$ баҳолар каби киритилади ва $\{K_{\ell}^*\}_w$ тўпلامда таксономияни амалга оширувчи Z масала учун $\Gamma_w^* = \min_{w \in W} \Gamma_w$ бўлиши етарли.

Диссетацяннинг «Ахборот-таниб олиш дастурий мажмуаси архитектураси, ишлаш тамойиллари ва тажрибавий тадқиқот натижалари таҳлили» деб аталган бешинчи бобида юқорида таклиф қилинаётган усул ва алгоритмларни амалиётга тадбиқ қилиниш жараёнида бир нечта дастурий мажмуа ва маълумотлар базалари ишлаб чиқилган. Ушбу дастурий мажмуалар ва маълумотлар базалари тимсолларни аниқлаш масаласида алгоритмларни коректлашни алгебраик ёндашув асосида шакллантирилган процедуралари умумий архитектура баёнини 5.1-параграфда келтирилади.

Шу билан бирга дастурий мажмуаларнинг асосий блоги ҳисобланган алгебраик ёндашув асосида таниб олиш операторларни коректловчи процедураларни умумий тузилмаси шакллантирилган.

Юқорида айтилганидек тимсолларни аниқлаш масаласида алгебраик ёндашув асосида алгоритмлар коректлаш жараёнида таниб олиш операторларидаги толерантликни ва ўқув танланмадаги камчиликларни бартараф қилишда $\Phi_{\lambda}(B_{\pi})$ қавариқ комбинацион корекциялаш орқали амалга оширилади.

Таклиф қилинаётган усул ва алгоритмлар амалиётга тадбиқ қилиш жараёнида иккита дастурий мажмуа ишлаб чиқилган: Tulipa Recognition ва Orthoptera recognition.

5.2-параграфда эса Tulipa Recognition дастурий мажмуасининг умумий схемаси ва функционал блокларининг вазифалари ёритилган ва натижалар таҳлили келтирилган. Таниб олишни сифатини $\varphi_A(\tau(B(\xi)))$ функционали орқали кузатиб борилади,

$$\varphi_A(\tau(B(\xi))) = \begin{cases} \tau(B(\xi)) < g, & 0, \\ \tau(B(\xi)) > g, & 1, \end{cases} \quad (15)$$

